Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик паспорт эгалари учун визаларни ўзаро бекор қилиш тўғрисида БИТИМ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
15 январдаги 23-сонли* қарори билан тасдиқланган*

(2004 йил 29 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати,
бундан кейин Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар,
икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатларнинг янада ривожланишига кўмак-
лашиш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳақиқий дипломатик паспортларга эга фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига визасиз киришлари ва биринчи кирган санадан бошлаб 90 кундан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида бўлишлари мумкин.

2-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳақиқий дипломатик паспортларга эга фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида 90 кундан ортиқ бўлиш ниятида бўлса, бу шахслар олдиндан зарур визаларни олишлари лозим.

Визалар қабул қилаётган давлатнинг дипломатик ваколатхоналари томонидан бепул берилади.

3-модда

Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ёки консуллик ваколатхоналарига ёки бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги халқаро ташкилотларга тайинланган Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳақиқий дипломатик паспортларга эга фуқаролари ўз хизмат фаолиятининг бутун даври мобайнида визасиз киришлари ва бўлишлари мумкин.

Ушбу модданинг 1-бандидаги қоидалар юқорида кўрсатилган шахсларнинг ҳақиқий дипломатик паспортларга эга бўлган ва улар билан бирга яшовчи оила аъзоларига ҳам дахлдордир.

4-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳақиқий дипломатик паспортларга эга

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 1-2-сон, 20-модда.

фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бўлиш даврида ушбу Томоннинг амалдаги қонун ва қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Аҳдлашувчи Томонлар номақбул ҳисобланган шахсларнинг киришига рухсат беришни рад этиш ҳамда бундай шахсларнинг бўлиш муддатини қисқартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

5-модда

Аҳдлашувчи Томонларнинг ташқи ишлар вазирликлари ушбу Битим кучга киришидан камида 30 кун илгари дипломатик каналлар орқали ушбу Битим қоидаларида кўрсатилган уларнинг ҳақиқий дипломатик паспортлари намуналарини алмашадилар.

Аҳдлашувчи Томонлардан бири ўз дипломатик паспортларини ўзгартирса, у бошқа Аҳдлашувчи Томонга дипломатик каналлар орқали янги паспорт намуналарини уларнинг амалга киришидан камида 30 кун илгари тақдим этади.

6-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири миллий ҳафсизлик, жамоат соғлиғи ёки жамоат тартибини кўзлаб, ушбу Битимнинг амал қилишини давлатнинг бутун ҳудудида ёки маълум қисмида вақтинча, бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиши мумкин. Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томон 15 кун мобайнида дипломатик каналлар орқали хабардор қилинади. Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйса, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳам бу каби чораларни кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-модда

Ушбу Битимга Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро келишувга кўра унинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва тўлдиришлар киритишлари мумкин ва улар 9-моддада кўрсатилган тартибда кучга киради.

8-модда

Ушбу Битим белгиланмаган муддатга тузилди ва Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик каналлар орқали Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида расмий хабарномани олган санадан бошлаб 30 кунга қадар амал қилади.

9-модда

Ушбу Битим иккала Аҳдлашувчи Томон унинг кучга кириши учун ўз миллий қонунчилигида кўрсатилган тартиботларни бажарганлиги тўғрисида сўнги хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради.

Тошкент шаҳрида 2003 йил 19 декабрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, турк ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Италия
Республикаси Ҳукумати ўртасида автомобилларда халқаро
йўловчи ва юк ташишни ўзаро тартибга солиш бўйича
БИТИМ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
15 декабрдаги 479-сонли қарори билан тасдиқланган*

(2004 йил 1 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Италия Республикаси Ҳукумати,
бундан кейин Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар,
ўзаро манфаатли асосларда автомобилларда халқаро йўловчи ва юкларни бево-
сита ва транзит ташишни енгиллаштириш ва тартибга солиш мақсадида,
қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг ташувчилари бошқа Аҳдлашувчи То-
мон ҳудудига ташувчи жойлашган Аҳдлашувчи Давлат мамлакатида рўйхатдан ўтка-
зилган автотранспорт билан ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ҳолда йўловчи ва
юкларни бевоcита ва транзит ташишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

I. Йўловчи ташиш

1.1. Қўллаш соҳаси

2-модда

Икки Аҳдлашувчи Томон ҳудудига фуқароларнинг келиши ва унда бўлишига доир
амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ ушбу Битим, ҳайдовчи ўрнини ҳам қўшиб
ҳисоблаганда тўққиз ўриндиқдан кўп бўлган, йўловчиларни ташиш учун мўлжаллан-
ган автотранспорт (автобус) билан икки мамлакат орасида амалга ошириладиган халқ-
аро йўловчилар ташиш, шунингдек транзит ташишларга татбиқ этилади.

1.2. Икки мамлакат орасида мунтазам ташишлар

3-модда

1. Ушбу Битимга биноан йўловчиларни олдиндан белгиланган ва эълон қилин-
ган жадвал ҳамда тарифларга биноан маршрут автобусларда ташишлар мунтазам та-
шишлар деб ҳисобланади.

2. Мазкур ташишларда йўловчиларни охириги пунктлар ҳамда бошқа белгилан-
ган жойларда чиқариш ва туширишга рухсат берилади.

3. Ушбу Битим қоидалари ва йўловчиларни маршрут бўйича ташишни тартибга
солувчи миллий қонунларга биноан, ташувчилар жўнаш ва тўхташ жойларида, бўш
жойлар бўлган тақдирда, ҳар қандай йўловчиларни чиқариб олишга мажбурдирлар.

4-модда

Мунтазам ташишлар ушбу Битимнинг 25-моддасида кўрсатилган ваколатли

органларнинг биргаликдаги ўзаро розилиги бўйича ва 26-модда билан кўзда тутилган Аралаш Комиссия таърифлари асосида ташкил этилади.

5-модда

1. Йўловчиларни мунтазам ташиш бошқа шахсга бериш ҳуқуқсиз тегишли рухсатномалар асосида ташкил этилади.

2. Рухсатнома Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан ушбу органлар эришган бошқа битимлардан истисно тарзда, ўзаро асосда миллий ҳудуддан ўтадиган маршрут қисми учун берилади.

3. Рухсатномаларнинг амал қилиш муддати Аралаш Комиссия томонидан белгиланади.

4. Рухсатнома ташувчи томонидан ташувчи жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органларига тақдим этиладиган сўров асосида мунтазам ташишларни амалга ошириш учун ишлатилади.

5. Сўровда муайян бир йилга белгиланган маршрут, Аралаш Комиссия томонидан ўзаро келишуви асосида белгиланган тарифлар кўрсатилган ва Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари сўраши мумкин бўлган бошқа маълумотлар бўлиши лозим. Сўровга бекатлар ҳамда километраж кўрсатилган маршрут плани илова қилинади.

6. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ваколатли органлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органларига тегишли иловаларга эга бўлган сўровни берадилар.

7. Ваколатли органлар Аралаш Комиссия томонидан белгиланган қоидалар асосида сўровни бажарадилар.

8. Рухсатноманинг асл нусхаси ташишлар амалга оширилаётганда автотранспорт бортида бўлиши керак.

6-модда

Ташувчилар бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида ички ташишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

1.3. Мунтазам транзит ташишлар

7-модда

1. Ушбу Битимга биноан Аҳдлашувчи Томонлардан бири ҳудудидан бошқа мамлакат ҳудудини кесиб ўтиб, учинчи мамлакатга етиш учун жўнаган йўловчиларни ташишлар мунтазам транзит ташишлар деб ҳисобланади, бунда иккинчи мамлакат ҳудудида биронта йўловчи тушириб қолдирилмаслиги ёки чиқариб олинмаслиги шарт.

2. Мунтазам транзит ташишлар кесиб ўтилаётган мамлакатнинг ваколатли органлари берадиган рухсатномалар асосида амалга оширилади; бу ваколатли органларга ташувчи ўз мамлакатининг ваколатли органлари орқали тегишли сўров юборади.

1.4. Номунтазам ташишлар

8-модда

Ушбу Битимга биноан қуйидагилар номунтазам ташишлар деб ҳисобланади:

1) Бир транспорт билан муайян йўловчиларни транспорт воситаси рўйхатдан

ўтказилган мамлакат ҳудудида бошланадиган ва шу жойга қайтиб келганида тугайдиган ташишлар (ёпиқ эшикли сафарлар).

2) Бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига тўла ҳолда кириш ва транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган мамлакатга бўш қайтиш (бўш қайтишли сафарлар).

3) Ташувчи билан буюртмачи ўртасида олдиндан тузилган битим асосида транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган мамлакатга гуруҳларни ташиб ўтказиш учун бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига бўш ҳолда кириш (бўш киришли сафарлар).

9-модда

1. Ушбу Битим 8-моддасининг 1) ва 2) бандларида кўрсатилган ташишлар, жумладан транзит ташишлар, рухсатнома олиш заруратисиз амалга оширилади.

2. Бундай ҳолларда автобус ҳайдовчиси бортда йўловчилар рўйхатига эга бўлиши керак.

3. Аварияга учраган автобус Аралаш Комиссия томонидан белгиланган қоидалар бўйича рухсатнома олмасданоқ бошқа автобус билан алмаштирилиши мумкин.

4. Ушбу Битим 8-моддасининг 3) бандида кўзда тутилган ҳолларда ташувчи мамлакатининг ваколатли органлари бошқа Аҳдлашувчи Томондан рухсатнома сўраши лозим. Ваколатли органлар Аралаш Комиссия томонидан ушбу Битимнинг 26-моддасида кўрсатилган рухсатнома бланklarининг бир йиллик контингенти билан алмашадилар.

1.5. Бошқа тартибда автобус ташишлари

10-модда

1. Ушбу Битимнинг аввалги моддаларида кўрсатилмаган барча автобус ташишлари учун бошқа Аҳдлашувчи Томон ваколатли органларининг бир марталик рухсатномасини олиш лозим.

2. Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органларига йўлланган сўров асосида ташувчига рухсатнома берилди.

3. Сўров саёҳатдан мақсад, маршрут, етиб бориш пункти, фойдаланилаётган автотранспорт ва Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари томонидан ўзаро келишувга биноан талаб этилиши мумкин бўлган бошқа барча маълумотларни ўз ичига олиши керак.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ваколатли органлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органларига барча зарур иловалар билан бирга сўров юборадилар.

5. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари сўров олингач, ўттиз кун муддат ичида ўз қарори ҳақида хабар берадилар.

6. Бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ижобий жавоби олингач, ташувчи мамлакатининг ваколатли органлари тегишли рухсатномани берадилар.

II. Юкларни ташиш

2.1. Икки мамлакат орасидаги ташишлар ҳамда транзит ташишлар

11-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ташувчиси бир мамлакатдан иккинчисига юк ташиш учун иккинчи мамлакатнинг ваколатли органлари томонидан бери-

ладиган рухсатномага эга бўлиши керак, бундан ушбу Битимнинг 12- ва 13-моддаларида кўрсатилган ёки Аралаш Комиссиянинг қарори бўйича рухсатнома олишдан овоз этиладиган ҳоллар мустаснодир.

2. Бу рухсатнома бошланғич ва охириги пунктлар орасида бир маротаба қатнаш учун яроқли бўлади.

3. Юкларни ташиш вақтида транспорт воситалари ва ҳайдовчиларнинг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кириши, ҳаракати ва бўлиши ўзаролик негизида Давлат хавфсизлиги талабларига биноан алоҳида шароитларга, назорат ва эҳтиёт чораларига тушиши мумкин.

12-модда

1. Қўйида санаб ўтиладиган юк ташишлар учун, агар иккала Аҳдлашувчи Томон ҳудудларига юкларнинг кириши ва олиб чиқилиши тартиби бўйича қоидалар рухсатномалар олинишини тақозо этмаса, аввалги моддада кўрсатилган рухсатномалар бўлиши шарт эмас:

- 1) ўликни кўмишга дахлдор ташишлар;
- 2) кўргазмалар учун мўлжалланган товарларни ташиш;
- 3) учиш бекор қилинган ҳолда юкларни аэропортга ёки аэропортдан бир маротабалик ташиш;
- 4) йўловчиларни ташишга мўлжалланган транспорт воситаларига маҳкамланган тиркамаларда багажни ташиш ва аэропорт томонга ёхуд ундан қайтиш йўналишида багажларни исталган транспорт турида ташиш;
- 5) почта юкни ташишлар;
- 6) тез тиббий ёрдам лозим бўлган ҳолларда, биринчи навбатда табиий офат чоғида зарур предметларни ташиш;
- 7) полиция ёки бошқа қўриқлаш органлари кузатувида махсус транспорт воситаларида қимматли юклар (масалан, қимматбаҳо металллар)ни ташиш;
- 8) ҳаво флоти ва денгиз флоти учун эҳтиёт қисмларни ташиш;
- 9) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига яроқсиз ҳолга келган транспорт воситасини алмаштириш учун ичи бўш транспорт воситасини кўчириш, шунингдек аварияга учраган транспортнинг таъмирдан чиқарилгач, бўш қайтиб келишида. Юкнинг алмаштирилган транспорт воситасида ташилиши давом эттирилиши яроқсиз ҳолга келган транспорт воситаси учун берилган рухсатномадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

2. Ушбу моддадаги рухсатнома талаб этилмайдиган ташишлар рўйхати Аралаш Комиссия тарафидан ўзгартирилиши мумкин.

3. Ушбу моддада кўрсатилган ташишларни амалга оширишда бу соҳада амал қиладиган махсус қоидаларда кўзда тутилган турли тарздаги талаблар ҳам ҳисобга олинади.

13-модда

1. Олинган рухсатномани бошқа шахсга бериш мумкин эмас, у ташувчига бир ёки бир неча транспорт бирликлари(тиркамасиз юк машинаси, автопоезд, шатакчи)да мазкур рухсатномада кўрсатилган муддатнинг бошидан охиригача, аммо бир йилдан ошмаган вақт мобайнида, ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

2. Агар Томонлар бошқача келишиб олган бўлмасалар, Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудига транзит ташишлар учун рухсатнома талаб этилмайди.

3. Ушбу Битимга биноан Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудуди орқали учинчи мамлакатга транзит амалга ошириладиган Аҳдлашувчи Томон ҳудудига юк

туширмаган ёки ундан юк олмаган ҳолда ташишлар транзит ташишлар деб ҳисобланади.

14-модда

1. Аҳдлашувчи Томон ҳудудида шу Томон ҳудудида тушириш учун юк олиш тақиқланади.

2. Шунингдек, рухсатномалар тегишли миқдорини белгиловчи Аралаш Комиссия бошқача тарзда ҳал этган бўлмаса ва зарурат туғилган ҳолларда учинчи мамлакатнинг рухсатномаси олинган бўлмаса, бир Томон ҳудудида миллий ташувчилар иккинчи Аҳдлашувчи Томон ва учинчи мамлакат орасида ҳамда аксинча тарзда ташишларни амалга оширишлари ҳам тақиқланади.

III. Умумий қоидалар

15-модда

1. Иккала мамлакатнинг ваколатли органлари амалдаги миллий нормалардан келиб чиққан ҳолда ташувчининг касбий ва техникавий имкониятларига, транспорт воситаларининг яроқлилигига, йўл ҳужжатларининг аҳволига, ҳайдовчиларнинг бошқариш қобиллигига, учинчи ҳамда ташилаётган йўловчилар олдида суғурта қопламаси ҳамда эҳтиёт шарт учун максимал маблағларни белгилайдилар.

2. Товарларнинг йўлланма ҳужжатлари ташишлар амалга ошириладиган Томон амалдаги қонунларининг нормаларига мувофиқ келиши керак.

16-модда

Ҳужжатларни бериш, йўловчилар ва юкларни ташиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни тўлдириш, рўйхатга олиш журналларини тўлдириш ҳамда ваколатли органлар орасида алмашиш учун статистик маълумотларни тўплаб бориш тартиби Аҳдлашувчи Томонлар тегишли органларининг умумий битими билан белгиланади.

17-модда

1. Ушбу Битимда белгиланган ташувчилар ва ташишлар амалга ошириладиган транспорт воситаларининг ходимлари транспорт воситалари қайси Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлса, ўша жойдаги тегишли йўл ҳаракати ва транспорт нормаларига амал қилишга мажбурдирлар.

2. Аввалги бандда кўрсатилган қоидаларни бузганлик учун бу қоидалар қайси Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бузилган бўлса, унинг ваколатли органлари олдида жавобгарлик белгиланади.

18-модда

1. Иккала Аҳдлашувчи Томоннинг ташувчилари ташиш амалга ошириладиган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалда бўлган валюта ва солиқ нормаларига риоя қилишга мажбурдирлар.

2. Аралаш Комиссия иккала мамлакат қонунларида йўл қўйиладиган солиқ имтиёзларини таклиф қилиши мумкин.

19-модда

1. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида рўйхатга олинган транспорт воситаларининг ўз ҳудудига божхона божи солиниши-

дан вақтинчалик озод қилинган ҳолда, тақиқ ва чеклашларсиз кириб келишга йўл қўйиши мумкин, бунда мазкур воситалар қайта экспорт қилиниши шарт.

2. Аҳдлашувчи Томонлар бу транспорт воситалари миллий ҳудудда амал қиладиган вақтинчалик импорт режимида тегишли божхона процедураларидан ўтказилишини талаб қилишлари мумкин.

20-модда

1. Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ва экипажнинг бошқа аъзолари зарур шахсий буюмларни божхона божи солинмаган ҳолда, сафар эҳтиёжларига керак бўладиган даражада ва иккинчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлиш муддатларига мутаносиб миқдорда вақтинча импорт қилишлари мумкин, бунда мазкур буюмлар учинчи шахсларга бериб юборилмаслиги шарт.

2. Шунингдек, иккинчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амал қиладиган божхона қонунларига мувофиқ равишда саёҳат давомида истеъмол қилинадиган даражада озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда шахсий эҳтиёжга яраша озроқ миқдорда тамаки, сигара ва сигаретлар ҳам бож тўлашдан озод қилинади.

3. Бу имтиёзлар йўловчилар вақтинча фойдаланадиган буюмларни вақтинча истисно қилган ҳолда божхона маъмурулари томонидан импорт борасида белгиланган шарт-шароитларга мувофиқлаштирилади.

21-модда

Транспорт воситаларининг меъёрдаги бакларидаги вақтинча олиб кириладиган ёқилги ва ёнилғи тақиқ ва чеклашларсиз божхона божидан озод қилинади; меъёрдаги бак деганда муайян транспорт воситасининг тури учун ишлаб чиқарувчи томонидан кўзда тутилган идишлар тушунилади.

22-модда

1. Ушбу Битимда кўзда тутилган ташишларни амалга оширадиган, киритиб бўлинган транспорт воситасини таъмирлаш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар тақиқ ва чеклашларсиз Аҳдлашувчи Томонларнинг амалдаги қонунларида кўзда тутилган расмиятларга амал қилинган ҳолда бож тўлашдан озод қилинади.

2. Алмаштирилган, аммо олиб чиқиб кетилмаган эҳтиёт қисмларга, агар мамлакат қонунларига биноан улар шу мамлакатга бепул берилмаса ёки божхона хизмати назоратида эгаси ҳисобидан йўқ қилиб юборилмаса, бож солиниши даркор.

23-модда

1. Ушбу Битим асосида амалга оширилган ташишлар учун ҳақ тўлаш тўлов куни амал қиладиган бозор курсида эркин алмаштириладиган валюта ҳисобидан амалга оширилади.

2. Тегишли пул жўнатмалари чеклашларсиз ҳамда тегишли солиқлар ҳисобидан олдиндан тўловларни ушлаб қолиш асосида амалга оширилиши лозим.

3. Агар Аҳдлашувчи Томонлар орасида тўловлар юзасидан Битим тузилса, мазкур тўловлар ушбу Битим қоидаларига биноан амалга оширилади.

24-модда

Бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ушбу Битим қоидалари бузилса, бузиш ҳоллари юз берган мамлакатда қўлландиган санкциялар сақлангани ҳолда, қоида ни бузган транспорт воситаси рўйхатга олинган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари берган маълумотлар бўйича, қуйидаги санкциялардан бирини қўллайдилар:

- 1) огоҳлантириш;
- 2) қоидабузарлик яна такрорланса, 3 ва 4-бандлардаги чоралар қўлланиши тўғрисида огоҳлантириш;
- 3) қоидабузарлик амалга оширилган мамлакатга ташишларни бажариш учун рухсатноманинг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиш;
- 4) қоидабузарлик амалга оширилган мамлакатга ташишларни бажариш учун рухсатноманинг олиб қўйилиши.

25-модда

1. Ушбу Битим моддаларини талқин қилиш ва қўллаш борасидаги баҳслар Аҳдлашувчи Томонларнинг маслаҳатлашишлари ва икки томонлама музокаралари орқали ҳал қилинади.

2. Ушбу Битимни амалга ошириш учун Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан:

Ички ишлар вазирлиги,

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги,

«Ўзавтойўл» Давлат-ҳиссадорлик концерни;

Италия Республикаси Ҳукумати томонидан:

Транспорти ва навигация вазирлиги,

Қуруқлик транспорти Департаменти, Автотранспорт, йўловчилар ва юклар бўлими.

26-модда

1. Ушбу Битимни амалга ошириш ва қоидаларини қўллаш мақсадида, шунингдек жорий муаммоларни ҳал этиш учун ваколатли органларнинг тенг миқдордаги вакилларида ташкил топадиган Аралаш Комиссия тузилади, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

1) йўловчиларни мунтазам ташиш юзасидан, бу хизматларни бажариш борасида ўзаро манфаатли усуллар имкониятини келишиш имконияти билан фикр алмашиш;

2) умумий келишувлар асосида 8, 9, 11 ва 14-моддаларда кўзда тутилган йўловчилар ва юк ташиш бўйича рухсатномалар миқдорини ёки юкларни икки томонлама ташишда рухсатнома олиш мажбуриятидан озод қилишни белгилаш;

3) 5, 8, 9, 10 ва 11-моддаларда кўзда тутилган рухсатномалар намунасини тақдим этиш ва уни бериш тартибини тайинлаш;

4) ушбу Битим қоидаларини бажаришда келиб чиқадиган муаммо ва масалаларни ҳал этиш;

5) иккала мамлакат орасида йўлларда ташиш ривожини кучайтирадиган тадбирларни қўллаш;

6) иккала мамлакатнинг амалдаги қонунлари доирасида, ўзаролик принципига асосланган солиқ имтиёзлари бериш имконини ўрганиш.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг таклифи билан ҳар иккала мамлакат ҳудудида навбатма-навбат ўтказиладиган Аралаш Комиссиянинг йиғилишларига вакиллар тайинлайдилар.

27-модда

Ушбу Битим ёки иккала Аҳдлашувчи Томон қўшилган халқаро битимлар орқали тартибга солинмаган барча масалаларда ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг ички қонунлари қўлланади.

28-модда

1. Йўловчилар ва юкларни ташишга мўлжалланган транспорт воситаларининг ҳайдовчи ҳамда ходимлари ташиш бажарилаётган Аҳдлашувчи Томонда амал қиладиган қонунлар ва маъмурий тартибларга, хусусан, тегишли ҳудудга кириш ва ундан чиқиш бўйича миллий нормативларга риоя қилишга мажбурдирлар.

2. Аҳдлашувчи Томонлар, давлат хавфсизлиги қонунлари, шунингдек юкларни ташишда назорат қилиш тақозо этган ҳолларда ўзаро келишувга мувофиқ юриш эркинлигини чеклашга ҳақлидирлар.

Яқуний қоидалар

29-модда

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан дипломатик каналлар орқали уни кучга киритиш борасида зарур ички процедуралар бажариб бўлингани тўғрисида охириги ёзма хабарнома олинган санадан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради.

2. Ушбу Битим бир йил муддатга тузилади ҳамда Томонлардан бири уни тўхта-тиш нияти тўғрисида иккинчи Томонни ёзма равишда ва дипломатик каналлар орқали амал қилиш муддати тугашидан камида уч ой илгари хабардор қилмаса, кейинги йиллик даврлар учун ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Рим шаҳрида 2000 йил 21 ноябрда икки асл нусхада, ўзбек ва итальян тилларида тузилди, иккала матн бир хил кучга эга.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ*
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Федеративной Республики Германия
о финансовом сотрудничестве

(Вступает в силу 28 января 2004 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Федеративной Республики Германия,
действуя в духе сложившихся между Республикой Узбекистан и Федеративной Республикой Германия дружественных отношений,
желая укреплять и углублять эти дружественные отношения путем партнерского финансового сотрудничества,

* Данное Соглашение не подлежит ратификации и вступает в силу для Республики Узбекистан с момента подписания в соответствии со статьей 2 Закона РУз «О порядке заключения и денонсации международных заемных и гарантийных договоров и соглашений между Республикой Узбекистан и международными финансовыми институтами» (Ведомости Верховного Совета РУз, 1993 г., № 5, ст. 234.)

Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2004 й.

сознавая, что поддержание этих отношений лежит в основе настоящего Соглашения,

намереваясь внести вклад в социально-экономическое развитие Республики Узбекистан,

ссылаясь на Протокол межправительственных переговоров от 19 марта 2003 года и на вербальную ноту Германского Посольства в Ташкенте № 255/03 от 7 мая 2003 года и вербальную ноту Министерства иностранных дел Республики Узбекистан № 10/7612 от 29 мая 2003 года,

договорились о нижеследующем:

Статья 1.

(1) Правительство Федеративной Республики Германия предоставляет Правительству Республики Узбекистан и другим получателям, выбор которых оба Правительства осуществляют совместно, возможность получить от Кредитного института по восстановлению экономики (г. Франкфурт-на-Майне) следующие суммы:

1. Ссуды общим размером до 19.000.000 (прописью: девятнадцати миллионов) евро на реализацию проектов:

а) «Электрификация железнодорожного участка Ташкент—Ангрен» — на сумму до 9.000.000 (прописью: девяти миллионов) евро;

б) «Содействие развитию малых и средних предприятий III» — на сумму до 6.000.000 (прописью: шести миллионов) евро;

с) «Грузовой терминал аэропорта в г. Ташкенте» — на сумму до 4.000.000 (прописью: четырех миллионов) евро,

если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данные проекты;

2. безвозвратный финансовый вклад суммой до 1.000.000 (прописью: одного миллиона) евро на реализацию проекта «Создание фонда научных исследований и специалистов».

(2) Указанные в пункте 1 настоящей статьи проекты по согласованию между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Федеративной Республики Германия могут быть заменены другими проектами.

(3) В случае, если Правительство Федеративной Республики Германия в более поздний срок предоставит Правительству Республики Узбекистан возможность получения от Кредитного института по восстановлению экономики дополнительных ссуд или безвозвратных финансовых вкладов с целью подготовки проектов, указанных в пункте 1 настоящей статьи, либо дополнительных безвозвратных финансовых вкладов с целью принятия необходимых сопутствующих мер для осуществления и обслуживания проектов, указанных в пункте 1 настоящей статьи, будет применяться настоящее Соглашение.

Статья 2.

(1) Использование указанных в статье 1 настоящего Соглашения сумм, условия их выделения, а также процедура размещения заказов регулируют контракты, заключаемые между Кредитным институтом по восстановлению экономики и получателями ссуд и безвозвратного финансового вклада в соответствии с действующим в Федеративной Республике Германия законодательством.

Обязательство по предоставлению сумм, указанных в пунктах 1 и 2 статьи 1 настоящего Соглашения, теряет свою силу, если соответствующие контракты о предоставлении ссуд и финансировании не будут заключены в восьмилетний срок

по истечении того года, в котором данное обязательство вступило в силу. В отношении указанных сумм этот срок кончается по истечении 31 декабря 2011 года.

(2) Правительство Республики Узбекистан, если оно само не является ссудополучателем, гарантирует Кредитному институту по восстановлению экономики (г. Франкфурт-на-Майне) выполнение в евро всех платежей по обязательствам ссудополучателей в соответствии с контрактами, заключаемыми согласно пункту 1 настоящей статьи.

(3) Правительство Республики Узбекистан, если оно не является получателем безвозвратного финансового вклада, гарантирует Кредитному институту по восстановлению экономики (г. Франкфурт-на-Майне) удовлетворение возможных требований о возврате средств, которые могут возникнуть на основании контрактов о финансировании, заключаемых согласно пункту 1 настоящей статьи.

Статья 3.

Правительство Республики Узбекистан освобождает Кредитный институт по восстановлению экономики от всех налогов и других государственных сборов, взимаемых в Республике Узбекистан в связи с заключением и осуществлением контрактов, упомянутых в статье 2 настоящего Соглашения.

Статья 4.

При морских, сухопутных и воздушных перевозках пассажиров и грузов, связанных с предоставлением ссуд и безвозвратного финансового вклада, Правительство Республики Узбекистан обеспечивает пассажирам и поставщикам свободный выбор перевозчика, не принимает никаких мер, исключающих или осложняющих равноправное участие перевозчиков с местонахождением в Федеративной Республике Германия, и, если потребуется, выдает необходимые для их участия разрешения.

Статья 5.

(1) Предусмотренные в Соглашении о финансовом сотрудничестве от 18 июля 1994 года на реализацию проекта «Усовершенствование системы телекоммуникации» ссуды в размере 12.782.297,03 евро (прописью: двенадцати миллионов семисот восьмидесяти двух тысяч двухсот девяноста семи евро и трех сентов), что соответствует 25.000.000 немецких марок, перепрограммируются и сумма в размере 506.924,75 евро (прописью: пятисот шести тысяч девятисот двадцати четырех евро и семидесяти пяти сентов) дополнительно используется для указанного в подпункте 1 пункта 1 статьи 1 настоящего Соглашения проекта «Электрификация железнодорожного участка Ташкент—Ангрен», если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

(2) Предусмотренные в Соглашении о финансовом сотрудничестве от 18 июля 1994 года на реализацию проекта «Секторная программа по молочному хозяйству» ссуды в размере 1.533.875,64 евро (прописью: одного миллиона пятисот тридцати трех тысяч восьмисот семидесяти пяти евро и шестидесяти четырех сентов), что соответствует 3.000.000 немецких марок, перепрограммируются и сумма в размере 210.140,96 евро (прописью: двухсот десяти тысяч ста сорока евро девяноста шести сентов) дополнительно используется для указанного в подпункте 1 пункта 1 статьи 1 настоящего Соглашения проекта «Электрификация железнодорожного участка Ташкент—Ангрен», если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

(3) Предусмотренные в Соглашении о финансовом сотрудничестве от 12 октября 1995 года на реализацию проекта «Экстренная программа помощи по обеспечению безопасности полетов, аэропорт Ташкент II» ссуды в размере 10.225.837,63 евро (прописью: десяти миллионов двухсот двадцати пяти тысяч восьмисот тридцати семи евро и шестидесяти трех сентов), что соответствует 20.000.000 немецких марок, перепрограммируются и сумма в размере 409.033,50 евро (прописью: четырехсот девяти тысяч тридцати трех евро пятидесяти сентов) дополнительно используется для указанного в подпункте 1 пункта 1 статьи 1 настоящего Соглашения проекта «Электрификация железнодорожного участка Ташкент—Ангрен», если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

(4) Предусмотренные в Соглашении о финансовом сотрудничестве от 12 мая 1998 года на реализацию проекта «Центр транспортной логистики» ссуды в размере 1.533.875,64 евро (прописью: одного миллиона пятисот тридцати трех тысяч восьмисот семидесяти пяти евро и шестидесяти четырех сентов), что соответствует 3.000.000 немецких марок, перепрограммируются и в размере 1.533.875,64 евро (прописью: одного миллиона пятисот тридцати трех тысяч восьмисот семидесяти пяти евро и шестидесяти четырех сентов) дополнительно используются для указанного в подпункте 1 пункта 1 статьи 1 настоящего Соглашения проекта «Электрификация железнодорожного участка Ташкент—Ангрен», если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

(5) Предусмотренные в Соглашении о финансовом сотрудничестве от 3 апреля 2001 года на реализацию проекта «Центр транспортной логистики» ссуды в размере 5.112.918,81 евро (прописью: пяти миллионов ста двенадцати тысяч девяти сот восемнадцати евро и восьмидесяти одного сента), что соответствует 10.000.000 немецких марок, перепрограммируются и сумма в размере 3.112,918,81 евро (прописью: трех миллионов ста двенадцати тысяч девяти сот восемнадцати евро и восьмидесяти одного сента) дополнительно используются для указанного в подпункте 1 пункта 1 статьи 1 настоящего Соглашения проекта «Электрификация железнодорожного участка Ташкент—Ангрен», если в результате рассмотрения будет установлена оправданность выделения средств на данный проект.

Статья 6.

Настоящее Соглашение вступает в силу в день его подписания.

Совершено в г. Ташкенте 28 января 2004 года в двух экземплярах, каждый на русском и немецком языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон
Республикаси Ҳукумати ўртасида ўсимликлар карантини
соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
5 январдаги 5-сонли* қарори билан тасдиқланган*

(2004 йил 23 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

ўсимликлар карантини соҳасида биргаликдаги кураш чоралари муҳимлигини эътиборга олиб,

Томонлар давлатларининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш ва шартномаларни амалга оширишда ўз мамлакатларини улар ҳудудига ўта хавfli зараркунандалар, ўсимликлар касаллиги ва бегона ўтларнинг (бундан кейин карантин объектлари деб аталади) олиб кирилишини ўзаро бартараф этиш манфаатларидан келиб чиқиб,

ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш ҳамда давлат карантин тадбирларини мувофиқлаштиришни таъминлаш истагига амал қилиб,

қўйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

— карантин материалларини импорт, экспорт ва транзит қилишда карантин объектларининг бир Томон давлати ҳудудидан бошқа Томон давлати ҳудудига кириб келишини бартараф этиш бўйича зарур чораларни қўллаш;

— Томонлар давлатлари карантин объектларининг пайдо бўлиши, тарқалиши ва уларга қарши кураш усуллари тўғрисидаги ахборотни ёзма равишда алмашиш;

— карантин материалларини импорт, экспорт ва транзит қилинишини тартибга солувчи амалдаги фитосанитар қоидаларга киритилган тўлдириш ва ўзгартишлар тўғрисида хабардор қилиш;

— карантин объектларини фош қилиш, тарқалишига йўл қўймаслик ва йўқ қилиш бўйича тадбирларни ўтказишда ўзаро илмий, техник ва маслаҳатли ёрдам бериш;

— ўсимликлар карантини соҳасидаги муаммоларни таҳлил қилиш ва эришилган ютуқларни ўрганиш, чегарадан ўтказиш пунктларида ўсимликлар карантини бўйича масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш;

— Томонлар давлатларидан бирининг ҳудудига етказиб берилаётган карантин материалларини улар ишлаб чиқарилаётган жойларда карантин текширувларини амалга оширишда Томонлар мутахассисларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш;

— ўсимликлар карантини соҳасида фавқулодда вазиятларда Томонлардан бирининг илтимосига кўра биргаликдаги, тезкор чораларни амалга ошириш учун мутахассислардан иборат экспедицияни хизмат сафарига жўнатиш.

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 1-2-сон, 13-модда.

2-модда

Ушбу Битим қоидаларини мувофиқлаштириш ва амалта оширишда қуйидагилар Томонларнинг ваколатли органлари ҳисобланадилар:

Ўзбекистон Республикаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини бўйича Давлат бош инспекцияси;

Озарбайжон Республикаси томонидан — Озарбайжон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

3-модда

Бир Томон давлати ҳудудидан бошқа Томон давлати ҳудудига етказиб берилмаётган ҳар бир карантин материаллари фитосанитар сертификати билан кузатиб борилиши лозим, унинг намунавий нусхасини эса Томонлар алмашадилар.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг ўсимликлар карантини бўйича хизмати томонидан бериладиган фитосанитар сертификати карантин материалларини импорт қилувчи Томон импортга берадиган карантин рухсатномасида талаб этиладиган меъёрларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

4-модда

Карантин материалларини транзит қилиш Томонларнинг миллий қонунчиликларига мувофиқ ва экспорт қилувчи мамлакатнинг сертификатида «Ўзбекистон Республикаси орқали транзит қилишга рухсат берилади» ёки «Озарбайжон Республикаси орқали транзит қилишга рухсат берилади» деган ёзувли муҳр мажбурий тартибда қўйилган ҳолда амалга оширилади.

5-модда

Томонларнинг ваколатли органлари карантин материалларининг алоҳида бир тўпини сотиб олишда уларнинг фитосанитар ҳолати бўйича қўшимча шартлар қўйиш ҳуқуқига эга бўлиб қоладилар.

6-модда

Карантин материалларини Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси орқали экспорт, импорт ва транзит қилиш Томонлар давлатларининг миллий қонунчиликларида белгиланган чегарадан ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

7-модда

Карантин материалларини экспорт қилишда ўраш материали сифатида қипик, пайраха, қоғоз, пластик ва карантин ташувчилари ҳисобланмаган бошқа материаллардан қўлланилади ҳамда улар тупроқ билан аралашмаган бўлиши лозим, сомон, похол, буғдой чориси, барглар ва бошқа ўсимлик материаллари Томонларнинг олиндан эришилтан розиликларидан сўнг фойдаланилиши мумкин.

Карантин материалларини бошқа Томон давлати ҳудудига ташиш учун бир Томон фойдаланаётган транспорт воситалари пухта тозаланиши ва зарур ҳолда зарарсизлантирилиши лозим.

8-модда

Томонларнинг ваколатли органлари фитосанитар назорат қилиш чоғида карантин объектларини фош қилган ҳолда Томонлар давлатларининг миллий қонунчиликларида кўзда тутилган чораларни қўллайдилар.

Карантин материални қайтариб бериш ёки зарарсизлантиришнинг имкони бўлмаганда бошқа Томоннинг ваколатли органини хабардор қилиб, миллий қонунчилик асосида йўқ қилишни дарҳол амалга ошириш лозим.

Карантин объектларидан заҳарланган материалларни қайтариб олиш, йўқ қилиш ёки зарарсизлантириш билан боғлиқ харажатлар экспорт қилувчи ҳисобидан ундирилади.

9-модда

Томонлар карантин объектлари сифатида зарарқунандалар, ўсимликлар касаллиги ва бегона ўтларнинг ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган рўйхати (1 ва 2-иловалар)ни қабул қиладилар.

Карантин объектлари рўйхатига Томонлар ваколатли органларининг ўзаро розилиқларига кўра тўлдириш ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

10-модда

Ушбу Битимнинг қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал қилиш учун Томонларнинг ваколатли органлари заруратга кўра, лекин 2 йилда камида 1 марта ҳар бир Томоннинг ҳудудида навбатма-навбат ўтказиладиган қўшма мажлисларни ташкил этадилар.

Мажлисларни ўтказиш вақти, жойи ва муҳокама этилиши лозим бўлган масалалар рўйхатини Томонларнинг ваколатли органлари белгилайдилар.

Мажлисларни ўтказиш бўйича ташкилий харажатларни қабул қилувчи Томоннинг ваколатли органи қоплайди. Транспорт ва коммунал харажатларни ҳар бир Томон мустақил равишда амалга оширади.

11-модда

Томонларнинг ўзаро розилиқларига кўра ушбу Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиш ҳамда тўлдиришлар киритилиши мумкин. Мазкур Баённомалар ушбу Битим 14-моддасининг қоидаларига мувофиқ кучга киради.

12-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ барча баҳсли масалалар Томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш орқали ҳал қилинади.

13-модда

Ушбу Битим Томонларнинг учинчи мамлакатлар ёки уларнинг ўсимликлар карантини ва уларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан тузган шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига дахл қилмайди.

14-модда

Ушбу Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида Томонлар бир-бирларини хабар қилган охиригидан кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади. Томонлардан биронтаси ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида тегишли муддат тугашидан камида олти ой илгари бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, у ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2003 йил 13 июнда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати
ўртасида ўсимликлар карантини соҳасида
хамкорлик тўғрисида битимнинг
1-ИЛОВАСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқалмаган ва чекланган миқдорда тарқалган карантин объектлари рўйхати

А 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқалмаган карантин объектлари

ЗАРАРКУНАНДАЛАР

1.	Spodoptera litura Fabr	Осиё ғўза тунлами
2.	Hyphantria cunea Drury	Америка оқ капалаги
3.	Unaspis citri Comst	Апельсин қалқондори
4.	Icerya purchasi Mask	Австралия тарновсимон қурти
5.	Pantomorus leucoloma Bc>h	Оқ ҳошияли қўнғиз
6.	Tetradacus citri Chen	Катта мандарин пашшаси
7.	Pseudococcus citrisculus Green	Шарқ унсимон қурти
8.	Unaspis jananensis Kuw	Шарқ цитрус қалқондори
9.	Nimonia pyrivorella Mats	Нок парвонаси
10.	Spodoptera littoralis Bois	Миср ғўза тунлами
11.	Ceroplastes rusci L	Анжир мумсимон сохта қалқондори
12.	Phthonimaea operculella Zeil	Картошка куяси
13.	Callosobruchus chinensis L	Хитой донхўри
14.	Diabrotica virgifera Le Conte	Колорадо маккажўхори қўнғизи
15.	Carposina niponensis Wisg	Шафтоли мевахўри
16.	Ceratitis capitata Wied	Ўртаденгиз мева пашшаси
17.	Pseudaulacaspis pentagona Tar	Тут қалқондори
18.	Viteus vitifolii Fitch	Филлоксера
19.	Pectinophora gossypiella Saund	ғўза куяси
20.	Pseudococcus gahani Green	Цитрус унсимон қурти
21.	Caulophilus latinasus Say	Кенг хартумли омбор узунбурини
22.	Agrilus mali Mats	Олма тилла қўнғизи
23.	Popillia japonica Newm	Япония қўнғизи
24.	Ceroplastes japonicus Green	Япония мумсимон сохта қалқондори
25.	Lopholeucaspis japonica Ckl	Япония чўпсимон қалқондори
26.	Rhagoletis pomonella Walsh	Олма пашшаси
27.	Caryedon gonagra L	Ер ёнғоқ донхўри
28.	Zabrotes subfasciatus Boh	Бразилия донхўри
29.	Diaphorina citri Kuway	Шарқ ёки Осиё барг бургаси
30.	Dacus dorsalis Hend	Шарқ мева пашшаси
31.	Lecanium deltae Lizeri	Учбурчакли сохта қалқондор

32.	<i>Brichidius incarnatus</i> Boh	Миср нўхат донхўри
33.	<i>Callosobruchus</i> sp. sp.	Дуккакли экинлар донхўри
34.	<i>Sinoxylon conigrum</i> Gerst	Аррасимон пўстлоқ кемирувчи қўнғиз
35.	<i>Liriomyza trifolii</i> Bur	Йунгичка инли курт
36.	<i>Rhizoeus kondonis</i> Kuw	Илдиз курти
37.	<i>Scrobipalopsis solanivora</i> P	Косторика картошка куяси
38.	<i>Aonidella aurantii</i> Mask	Қизил померанц қалқондори
39.	<i>Dinoderus bifoveolalus</i> Wall	Сохта пўстлоқ ҳаммахўри
40.	<i>Pinaspis strachani</i> Cooley	Кичик қорсимон қалқондор
41.	<i>Ceratitidis rosa</i> Karsch	Наталия мева пашшаси
42.	<i>Pseudoparlatoria parlatoroides</i> C	Орхидея қалқондори
43.	<i>Nipaeococcus nipae</i> Mask	Палма курти
44.	<i>Paralipsa gularis</i> Zeel	Уруғ парвонаси
45.	<i>Phthorimaea lycopersica</i> Busk	Помидор куяси
46.	<i>Trogoderma simplex</i> Jayne	Трогoderма симплекс
47.	<i>Trogoderma angustum</i> Sol	Трогoderма ангустум
48.	<i>Trogoderma ballficnhus</i> Beal	Трогoderма-балфинхус
49.	<i>Trogoderma longisetosum</i> Cetyl	Трогoderма лонгисентозум
50.	<i>Trogoderma grasmani</i> Beal	Трогoderма грассмани
51.	<i>Trogoderma sternale</i> Jayne	Трогoderма стернале
52.	<i>Trogoderma ornatum</i> Say	Трогoderма орнатум
53.	<i>Aceria sheldoni</i> Ewing	Цитрус куртак канаси
54.	<i>Chrysomphalus rossi</i> Mask	Қора араукарий қалқондори
55.	<i>Chionaspis furfure</i> Fitch	Тангасимон қалқондор
56.	<i>Dysmicoccus wistarial</i> Gren	Япония курти
57.	<i>Aleurothrixus floccosus</i> Mask	Юнгли оқ қанот
58.	<i>Aleuracanthus woglumi</i> Ash	Қора цитрус оқ қаноти

ЎСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ

1.	<i>Glomerella gossypii</i> (South) Edg	Ўза антракнозаси
2.	<i>Tilletia indica</i> Mitra	Хинд бугдой қоракуяси
3.	<i>Phymatotrichum omnivorum</i> S.D.	Техас илдиз чириш касали
4.	<i>Didymella chrysanthemi</i> Caret Gull	Хризантема аскохитози
5.	<i>Puccinia horiana</i> P Heen	Хризантема оқ занг касали
6.	<i>Mycosphaerella linorum</i> (W ₂) Carcia Rada	Зигир пасмоси
7.	<i>Synchytrium endobioticum</i> Porcivae	Картошка рак касали
8.	<i>Helminthosporium maydis</i> Nisicadoet Miyake	Маккажўхори жанубий гельминтоспориози
9.	<i>Phoma andina</i> Turkensteen	Анд фомоз касали
10.	<i>Angiasorus soloni</i> Thirum Brie	Картошка қоракуяси
11.	<i>Diplodia macrospora</i> Earle	Маккажўхори диплодиози
12.	<i>Cercospora kikuchii</i> Mats et Tom	Соя қизилпушти церкоспориози
13.	<i>Diaporthe phaseolorum</i> Cke et Em	Соя пояси раки
14.	<i>Phomopsis viticola</i> Sacc	Узум сўлиш касаллиги
15.	<i>Phialophora cinerescens</i> Wr	Чиннигул филофороз касаллиги
16.	<i>Phomopsis helianthi</i>	Кунгабоқар поясининг кулранг доғли касаллиги
17.	<i>Eutyna armeniaca</i> Han of et Cat	Узумнинг эутипоз касали

НЕМАТОДАЛАР

- | | | |
|----|---|-----------------------------|
| 1. | <i>Globodera rostochiensis</i> Woll M. et St | Картошка олтин нематодаси |
| 2. | <i>Globodera pallida</i> (Stone) Mul et Stone | Картошка нимранг нематодаси |
| 3. | <i>Nacobbus aberrans</i> Golden et al | Сохта галл нематодаси |
| 4. | <i>Radopholus similis</i> Cobb | Пармаловчи нематода |

БАКТЕРИЯЛАР

- | | | |
|----|--|------------------------------------|
| 1. | <i>Erwinia stewartii</i> | Маккажўхори вилти |
| 2. | <i>Pseudomonas caryophilli</i> | Чиннигул вилти |
| 3. | <i>Xanthomonas campestris</i> Pv. <i>Hyacinthi</i> | Гиацинт сариқ касали |
| 4. | <i>Erwinia amylovora</i> | Мевали дарахтлар куйдиргиси |
| 5. | <i>Xanthomonas campestris</i> pv <i>citri</i> | Цитрус рак касали |
| 6. | <i>Xanthomonas campestris</i> pv <i>oryzicola</i> | Шолининг бактериал чизиқ касали |
| 7. | <i>Xanthomonas ampelina</i> | Шоли бактериал куйдиргиси |
| 8. | <i>Xanthomonas campestris</i> pv <i>oryzae</i> | Шолининг бактериал сўлиши |
| 9. | <i>Corynebacterium tritici</i> | Буғдойнинг сариқ шиллиқ бактериози |

ВИРУСЛАР

- | | | |
|-----|---|--------------------------------------|
| 1. | <i>Andean potato virus</i> | Картошка анд вируси |
| 2. | <i>Rose wilt disease</i> | Атиргул вилти |
| 3. | <i>Potato yellow dwarf virus</i> | Картошканинг сариқ паканалик касали |
| 4. | <i>Potato vein yellowing virus</i> | Картошка барг томирларнинг сарғайиши |
| 5. | <i>Grapevine flavescence doree mycoplasma</i> | Узум барг сарғайиш касали |
| 6. | <i>Chrysanthemum stunt viroid</i> | Хризантеменинг паканалик касаллиги |
| 7. | <i>Plum line pattern virus</i> (American) | Олхўрининг чизиқли нақш касали |
| 8. | <i>Peach mosaic virus</i> (American) | Шафтолининг қурама касали |
| 9. | <i>Plum pox virus</i> | Олхўрининг чўтир касали |
| 10. | <i>Citrus tristeza virus</i> | Цитрус тристеца касали |
| 11. | <i>Barley stripe mosaic virus</i> | Арпанинг чизиқ қурама касали |

БЕГОНА ЎТЛАР

- | | | |
|-----|--|--------------------------------|
| 1. | <i>Iva axillaris</i> Pырч | Америка сассиқ какраси |
| 2. | <i>Solarium elaeagnifolium</i> Cav | Чизиқ баргли итузум |
| 3. | <i>Solanum rostratum</i> Dun | Тиканли итузум |
| 4. | <i>Solanum carolinense</i> L | Каролина итузumi |
| 5. | <i>Solanum triflorum</i> L | Уч гулли итузум |
| 6. | <i>Helianthus californicus</i> D C | Калифорния кунгабоқари |
| 7. | <i>Helianthus ciliaris</i> D C | Киприкли кунгабоқар |
| 8. | <i>Helianthus petiolaris</i> Nutt | Барг бардли кунгабоқар |
| 9. | <i>Helianthus scaberrimus</i> Benth | Тукли кунгабоқар |
| 10. | <i>Sida spinosa</i> L | Тиканли Сиди |
| 11. | <i>Striga</i> sp sp | Стригалар |
| 12. | <i>Ambrosia trifida</i> L | Учбўлакли амброзия |
| 13. | <i>Ambrosia psilostachya</i> D C | Қўп йиллик амброзия |
| 14. | <i>Cenchrus pauciflorus</i> Benth(<i>fribuloides</i> L) | Кам гулли цехруз (лангарсимон) |
| 15. | <i>Acanthospermum hispidum</i> DC | Қаттиқ юнгли тиканмева |

16.	Aeshynomene indica (L) B S P	Хинд аесхиноменэси
17.	Aeshynomene virginica (L) B S P	Виржиния аесхиноменэси
18.	Bidens bipinata L	Бидепс бипината
19.	Cassia occidentalis L	Ғарб кассияси
20.	Cassia tora L	Тора кассияси
21.	Croton capitatus Michx	Тўпгулли кротон
22.	Diodia terres Walt	Жувасимон диодия
23.	Emex australis Stein	Жанубий эмекс
24.	Emex spinosa L	Тиканли эмекс
25.	Euphorbia marginata Michx	Хошияли сутли ўт
26.	Euphorbia dentata Michx	Аррасимон сутли ўт
27.	Ipomoea hederaceal E	Печаксимон ипомея
28.	Jacquemontia tamnifolia L	Юраксимон баргли жакоменат ўти
